

Муаммонинг ечими



19:30 / 30.12.2018 5028

Оила қуриш чоғида умр йўлдошини танлаш борасида ота-оналар ва болалар, валий – ишбошилар ва муваллолар – уларнинг қўл остидагилар орасида содир бўладиган келишмовчиликларни ҳал этишнинг энг осон ва тўғри йўли, бошқа барча муаммолардаги каби, шариатни ҳакам қилишдир. Шариатимиз эса, бу масалада икки тарафнинг келишиб иш тутишини амр қилган.

Шариат ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи ишбошиларга раҳбарлик ҳаққини бериш билан бирга, қўл остларидаги ёш йигит-қизларнинг истаги, хоҳишини ҳисобга олишни, хусусан, қизларга нисбатан ўта меҳрибон бўлишни топширган. Улар ўзларининг ҳавойи нафсларига берилиб эмас, шариат таълимотлари асосида иш тутишлари лозим.

Шариат ёш йигит-қизларга умр йўлдошини танлаш ҳуқуқини бериш билан бирга, бу нозик ишда – уларга меҳрибон бўлганлари, ҳаётини тажрибала-ри мавжуд бўлганлиги учун ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи ишбошилар билан маслаҳатлашиб иш тутишни топширган. Бас, ёшлар ҳам ўз ҳавойи нафсларига берилмасдан, шариат таълимотлари асосида иш тутишлари лозим.

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинким, мусулмон халқлар бу масалада қадимдан оқилона йўл тутиб келганлар. Бу нозик масалада бошқаларга ўрнак бўлганлар. Ота-оналар болаларини гўзал тарзда тарбиялаб вояга етказганлар. Болалар ота-оналарига итоатда, уларга яхшилик қилишда, уларнинг розилиklarини топишда ҳеч нарсани аямаганлар. Болалар вояга етиб, уларнинг никоҳланиб, оила қуришлари вақти келганда, икки тараф маслаҳат билан шариатимиз таълимотлари асосида иш тутганлар.

Афсуски, диний таълимотлардан узоқлашиш ва бошқалардан таъсирланиш оқибатида кейинги пайтларда бу масалада бир оз келишмовчиликлар пайдо бўлиб, кўпчиликни ташвишга солмоқда. Бу борада турли муаммолар пайдо бўлиб, ота-оналарни ҳам, болаларни ҳам ўйлантириб, изтиробга солиб қўймоқда.

Бошқа муаммолар қатори, бу муаммони ҳам тўғри ҳал қилиш осон. Бунинг учун динимиз таълимотларини қунт билан ўрганиб, уларга ихлос билан амал қилишимиз керак бўлади. Аввал имкони бўлмаган бўлса, ҳозир бор.

Болаларни ёшлиқдан шу каби ишларга тайёрлаб бориш зарур. Улар ота-оналари ва катталар билан бўладиган муносабатларини эҳтиром ва эъзоз асосида, одоб-ахлоқ билан олиб боришга одатланишлари керак. Айниқса, оила қуриш ва умр йўлдошини танлаш каби нозик ҳамда умр савдоси бўлган ишларда ўзларининг билим ва тажрибалари камлигини ёшлар асло унутмасликлари лозим.

Ота-оналар ҳам болалари катта бўлиб қолганлигини, уларнинг ҳам кўнгил хоҳишлари, ўзларига яраша орзу-истаклари борлигини ҳисобга олишлари керак.

Гапнинг хулосасини айтадиган бўлсак, икки тараф ҳам инсоф билан, шариат таълимотларини ораларида ҳакам қилган ҳолда иш тутсалар, жуда ҳам яхши бўлади.

Мазкур шаръий таълимотларга амал қилган ҳолда совчилик, кўришиш, унаштириш, келишиш каби ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин никоҳланиш фурсати етади.